

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ**

**ХАФИЗОВ ЎКТАМ АКРАМОВИЧ**

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ БЎР ДАВРИ ЁТҚИЗИҚЛАРИДА КАМЁБ ЕР  
ЭЛЕМЕНТЛАРИ МАЪДАНЛАШУВИНИНГ ГЕОЛОГИК-ГЕНЕТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖОЙЛАШУВ ШАРОИТЛАРИ  
(ҚУЛЖУҚТОВ ТИЗМАСИ МИСОЛИДА)**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш  
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хафизов Ўктам Акрамович**

Марказий Қизилқум бўр даври ётқизикларида камёб  
ер элементлари маъданлашувининг геологик-генетик хусусиятлари  
ва жойлашув шароитлари (Кулжуктов тизмаси мисолида)..... 3

**Хафизов Ўктам Акрамович**

Геолого-генетические особенности и условия размещения  
редкоземельного оруденения в меловых отложениях Центральных  
Кызылкумов (на примере хребта Кульджуктау)..... 23

**Khafizov Uktam Akramovich**

Geological and genetic features and conditions of placement  
rare earth mineralization in the Cretaceous deposits of the Central  
Kyzylkum (on the example of the Kuldzhuktau ridge) ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 46

**ХАФИЗОВ ЎКТАМ АКРАМОВИЧ**

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ БЎР ДАВРИ ЁТҚИЗИҚЛАРИДА КАМЁБ ЕР  
ЭЛЕМЕНТЛАРИ МАЪДАНЛАШУВИНИНГ ГЕОЛОГИК-ГЕНЕТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖОЙЛАШУВ ШАРОИТЛАРИ  
(ҚУЛЖУҚТОВ ТИЗМАСИ МИСОЛИДА)**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш  
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент 2024**

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.PhD/GM211 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси «Минерал ресурслар институти» давлат муассасасида бажаришган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.mridm.uz](http://www.mridm.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Пирназаров Мажид Махкамович**  
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Карабасев Маматхон Садирович**  
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

**Қодиров Обиджон Шавкатович**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** «Ўзбек геология кидирув» АЖ

Диссертация химояси «Минерал ресурслар институти» ДМ ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «30» «04» соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй. Тел: (71) 209-08-69; e-mail: [info@mridm.uz](mailto:info@mridm.uz); [grniiimr@exat.uz](mailto:grniiimr@exat.uz)).

Диссертация билан «Минерал ресурслар институти» ДМнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 3440 рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй. Тел: (71) 209-08-69).

Диссертация автореферати 2024 йил «9» «04» куни тарқатилди.  
(2024 йил «1» «04» даги 16 рақамли реестр баённомаси)



**М.У. Исоқов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

**С.С. Сайитов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.ф.д. (PhD)

**М.К. Турапов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошиқдаги илмий семинар раиси ўринбосари г.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида камёб ер элементларига талаб ортиб бораётганлиги сабабли уларнинг ноанъанавий маъданлашув турларини башоратлаш алоҳида аҳамиятга эга. Дунёнинг ривожланган давлатларида кейинги йилларда камёб ер элементларининг янги конларини аниқлаш бўйича геология-қидирув ишлари жадаллашди. Бу борада замонавий башоратлаш-қидирув ва таҳлилий усулларни қўллаган ҳолда бўр даври ётқизикларида маъданлашувни аниқлашнинг самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар мавжуд намоёнлар истиқболларини ошириш ва минерал хомашё базасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг ривожланган мамлакатларида камёб ер элементлари (REE) конларини аниқлаш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Янги ноанъанавий геологик муҳитларда (қадимий метаморфлашган қатламларда, қора сланец жинсларида, ишқорий интрузияларда, инфильтрацион конларда ва б.) геология-қидирув ишларининг асосий эътиборини камёб ер элементлари мажмуасига қаратилгани сўнги йигирма йилликда, айниқса жаҳон ресурс салоҳиятини кескин оширишга имкон берди.

Республикада камёб ер элементларининг минерал хомашё базасини кенгайтириш борасида муайян муваффақиятларга эришилди. Хусусан, қора сланецлар ҳамда ишқорли магматик жинслар билан боғлиқ истиқболли майдонлари аниқланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «.....иктисодиёт учун зарур минерал хом ашё базасини кенгайтириш.....»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Буларнинг барчаси Марказий Қизилқумнинг бўр даври ётқизикларида маъданли фойдали қазилмалар жойлашувининг геологик-генетик хусусиятлари ва шароитларини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришнинг мақсадга мувофиқлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармонида, 2018 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3578-сон, 2021 йил 21 апрелдаги «Геология соҳага инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал хомашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5083-сон ва 2022 йил 3 августдаги «Маҳаллий минерал хомашё ресурслари асосида юқори технологик металллар ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-343-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ – 60-сон Фармони.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII – «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғарбий Ўзбекистонда маъданли конлар ва истиқболли майдонлар кўплаб тадқиқотчилар, шу жумладан: Х.М.Абдуллаев, И.Х. Хамрабобоев, С.Т. Бадалов, Х.А. Акбаров, Х.Н. Баймухамедов, Я.Б. Айсанов, А.А. Колдаев, Ю.Б. Ежков, С.М. Колоскова, Р.И. Конеев, М.М. Пирназаров, М.К. Турапов, Л.М. Крикунова, Ф.К. Диваев, В.Д. Цой, И.Б. Турамуратов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ўтган йилларда камёб ер маъданлашувини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда асосий эътибор магматик тоғ жинсларида (карбонатитлар, гранитоидлар, ишқорли таркибли интрузив жинслар, пегматитлар ва б.) йирик комплекс конларни аниқлашга қаратилган эди. Мустақиллик йилларида тадқиқотлар доирасига мезозой чўкинди-терриген ётқизиклари комплекс маъданлашув учун энг истиқболли хосилалар сифатида жалб этилди.

Сўнгги йилларда камёб ер элементларини ўрганиш бўйича олиб борилган ишларда уларнинг хемоген-органоген чўкинди формацияларида юқори концентрациялари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шуниси эътиборлики, камёб ер элементлари миқдорлари юқори бўлган қатламлар, кўп ҳолларда фосфор ва темир билан бойитилган чўкинди қатламлари билан ёпилган ҳолда жойлашган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти «Минерал ресурслар институти» давлат муассасаси (МРИ) илмий-тадқиқот режасининг 992/8-сон «Турли геологик саноат турлари объектларини саноат даражасида ўзлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида рангли, камёб ва қора металлар минерал хомашё базасини ривожлантириш истиқболларини комплекс баҳолаш» (2012-2015) ва 1172/6-сон «Комплекс маъданлашувга истиқболли майдонларни ажратган ҳолда Жанубий ва Ғарбий Ўзбекистоннинг металлогеник истиқболлини баҳолаш» (2016-2019) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Кулжуктов тизмаси бўр даври ётқизикларидаги камёб ер элементлари маъданлашувининг геологик-генетик хусусиятлари ва жойлашув шароитларини ўрганиш, комплекс маъданлашувнинг мавжуд омилларини такомиллаштириш ҳамда янгиларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Кулжуктов тизмасининг бўр даври ётқизикларида камёб ер элементлари маъданлашувининг геологик ва геохимёвий хусусиятларини аниқлаш;

Кулжуктов тизмасининг бўр даври ётқизикларида камёб ер элементлари маъданлашувининг жойлашув шароитларини аниқлаш;

бўр даври ётқизикларидаги камёб ер элементларини комплекс башоратлашнинг мавжуд омилларини такомиллаштириш ҳамда янгиларини аниқлаш;

бўр даври ётқизикларидаги комплекс камёб ер элементларига истиқболли майдонлар ажратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қулжуктов тизмасининг жанубий қисми танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Қулжуктов тизмасининг геологик тузилиши, камёб ер элементлари маъданлашувининг шаклланиш шароитлари ва жойлашув хусусиятлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда анъанавий усуллар, жумладан дала кузатув мажмуаси (геологик маршрутлар, батафсил кузатиш нуқталарини тавсифлаш, маъдан намоёнлари ва аномалияларни ўрганиш, литологик, минералогик ва структуравий кесмаларни тузиш, намуна олиш, геологик хужжатлаштириш ва бошқалар), замонавий юқори аниқликдаги аналитик тадқиқотлар (масс-спектрометр ICP MS, оптик эмиссион таҳлил ва б.), шунингдек, тўпланган геологик материалларни назарий умумлаштириш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Қулжуктов тизмасининг жанубий қисмидаги бўр даври ётқизиклари камёб ер элементлари комплекс маъданлашувининг потенциал манбалари сифатида ажратилган;

камёб ер элементларининг юқори миқдорлари темир, марганец ва фосфорнинг аномал қийматли интерваллари билан ягона маконда намоён бўлиши аниқланган;

қуйи бўр даври ётқизикларида камёб ер элементлари юқори миқдорларининг тўпланиши уларнинг палеозой жинсларидан нураш пўстлари билан бирга кўчирилиши билан боғлиқ ҳамда уларнинг концентрацияси кўп ҳолларда ион-сорбицияли шаклда бўлади.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Қулжуктов тоғларини жанубдан қамраган бўр ётқизикларида камёб ер элементларининг юқори миқдорлари аниқланган;

Қулжуктов тоғларини жанубдан қамраган бўр ётқизикларида камёб ер элементларини излаш белгилари белгиланган;

Қулжуктов тоғларининг ёпиқ ҳудудларида истиқболли майдонлар ажратилиб излаш ишларини ташкил этиш бўйича таклифлар киритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги “Ўздавстандарт” томонидан сертификатланган лаборатория таҳлиллари (спектрал, ICP MS-масс-спектрометрик, оптик эмиссион ва бошқалар), шунингдек, геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича йўриқномалар билан тартибга солинадиган материалларни йиғишнинг дала усуллари кенг қўлланилиши, уларга статистик ишлов беришга асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Илмий-тадқиқот натижасида Марказий Қизилқумнинг бўр қатламлари турли чўкинди жинсларида камёб ер элементларининг юқори миқдорлари тарқалиши қонуниятлари аниқланган, шунингдек асосий маъдан назорат қилувчи омиллар асосланган.

Тадқиқот натижалари амалий жиҳатдан, мезозой даврида REE концентрациялари шаклланишининг геологик, структуравий ва литологик шароитларини қайтадан қуриш билан бир қаторда истиқболли ҳудудларни илмий асосланган ҳолда аниқлаш имконини беради. Ишлаб чиқилган тавсиялар аниқланган истиқболли ҳудудларда излаш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қўлланилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўр даври ётқизикларининг геологик тузилиши, маъдандорлиги ва камёб ер элементлари маъданлашувига истиқболли участкаларни ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қулжуктов тоғларини жанубдан қамраган бўр даври ётқизикларининг маъданли фойдали қазилмаларга маҳсулдорлиги бўйича хулосалар «Ўзбек геология қидирув» АЖ амалиётига жорий қилинган. (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024 йил 8 январдаги 08-0097-сон маълумотномаси). Натижада дала экспедицияларининг истиқболдаги режаларида камёб ер элементларига геология-қидирув ишлари олиб бориш инobatга олинган;

бўр даврининг чўкинди-терриген қатламларидаги темир, фосфор ва марганецнинг камёб ер элементлари маъданлашуви билан ягона маконда намоён бўлгани «Ўзбек геология қидирув» АЖ амалиётига жорий қилинган. (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024 йил 8 январдаги 08-0097-сон маълумотномаси). Натижада бўр даври ётқизикларидаги темир маъданларини баҳолашда камёб ер элементларини йўлдош фойдали компонент сифатида ҳисобга олиш имконини берган;

хемоген-органоген маъданлашувнинг шаклланиши учун қулай вазиятлар билан назорат қилинувчи камёб ер элементларига истиқболли майдонлар «Ўзбек геология қидирув» АЖ амалиётига жорий қилинган. (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024 йил 8 январдаги 08-0097-сон маълумотномаси). Натижалар Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг тизимости ташкилотларида Қулжуктов тизмасида камёб ер элементларининг комплекс маъданлашуви учун геология-қидирув ишларини ташкил қилиш заруратини асослаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда 4 та мақола, шу жумладан, Республика нашрларида 3 та ва хорижий журналларда 1 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бет, 12 та жадвал, 16 та расмдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унинг зарурати, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилинганлиги ва қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**«Камёб ер металлари: умумий маълумотлар, конларнинг етакчи турлари ва Ўзбекистонда тадқиқотлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобда камёб ер элементлари, уларнинг қўлланиш соҳалари, кон турлари кўриб чиқилган, шунингдек, муаммони хорижда ва республикада ўрганилганлик ҳолати ҳақида қисқача маълумот берилган.

Бугунги кунда REE нинг юздан ортиқ муҳим қўлланилиш соҳалари маълум бўлиб уларнинг сони, айниқса сўнгги йилларда, мунтазам равишда ўсиб бормоқда. Анъанавий ва энг кўп қўлланиш йўналишлари - нефт крекинги, металлургия, шиша, керамика ва ядро саноатида катализдир. Камёб ер элементлари кўшимчалари бўлган цеолит катализаторлари крекинг пайтида энгил ёғли фракцияларнинг унумини ўртача 14% га ошириш имконини беради. Металлургияда REE, одатда мишметал шаклида, деоксидловчи, юқори қувватли темир, пўлат ва қотишмалар ишлаб чиқаришда газсизлантирувчи моддалар, шунингдек, пирофорик материаллар сифатида ишлатилади. Қўлланиш соҳалари билан бир қаторда ишлаб чиқарувчилар хиссаси ҳам юқори даражадаги динамизм билан аўзгариб туради. REE бозорида етказиб берувчи мамлакатларнинг улушлари ҳар чорақда ўзгариб туради. Ҳозирда бу мамлакатлар рейтингда етакчи ўринлар Хитой, Малайзия ва АҚШга тегишли.

REE нинг юқори концентрациялари конларнинг барча генетик турларида учрайдилар.

**Эндоген конлар** генетик жиҳатдан гранитоидлар, нефелинли сиенитлар, ишқорли сиенитлар ва ишқорли гранитларнинг интрузив комплекслари, шунингдек, ўта асос – ишқорли комплекслар билан боғлиқ. **Экзоген конлар** орасида қолдиқ, бўлакли-чўкинди (сочмалар), хемоген-чўкинди ва биоген-чўкинди турлари катта қизиқиш уйғотади.

Камёб ер элементларининг **метаморфоген конлари** катта ўлчамлари, руда таркибий қисмларининг катта майдонга бир текис тақсимланиши ва фойдали таркибий қисмларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Сўнгги 15 йил ичида жаҳон иқтисодиётида юқори технологияли ишлаб чиқаришга ўтилиши асосида экологик хавфсизликка йўналтирилган глобал ўзгаришлар туфайли Ўзбекистонда камёб ер элементларининг минерал хомашё базасини яратишга давлат аҳамияти миқёсида катта эътибор қаратилди. Ўзбекистонда REEни тадқиқ қилишга янги туртки 2010 йилдан бошланган. Бунда биринчи марта камёб металлларнинг миллий минерал хомашё базасини яратиш бўйича давлат дастурлари ва йўл хариталари тасдиқланди.

Ўзбекистонда дастлабки босқичда REE маъданлашувини излашда асосий эътибор магматик жинсларда (ишқор таркибли интрузив жинслар, пегматитлар ва бошқалар) ва гидротермал-метаморфик маъданлашувларга эга қадимий

чўкинди-терриген қатламларда йирик комплекс конларни аниқлашга қаратилди. Шу қаторда камёб ер элементлари бўйича ишларда РЕЕнинг юқори концентрациялари хемоген-органоген чўкинди формацияларда учраши тўғрисида алоҳида маълумотлар келтирилган. 2012-2015 йилларда Ўзбекистон худудида қора, рангли ва қимматбаҳо металларни комплекс ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар давомида Қулжуктов тоғи жанубидаги темир билан бойитилган бўр даври чўкинди қатламларидан олинган намуналарда, масс-спектрометрик усул билан РЕЕнинг аномал кўрсаткичлари аниқланган. Навбатдаги намуналар ишлари тизманинг ёнбағирларидаги Аяк-Гужумди, Шуруқ, Жаманяр, Жингелди, Оқтости-Шайдароз, Ғарбий Қинғиртов ва Жануби-ғарбий Белтов майдонларида бўр даври ётқизиқларининг алоҳида кесмалари ўрганилган. Спектрал ва оптик-эмиссион таҳлиллар орқали эрта бўр давридаги турли хил чўкинди жинсларда РЕЕ юқори концентрациясининг намоён бўлиш белгилари тасдиқланди. Ҳозирги кунда республиканинг тоғ-кон худудларида минерал хомашёнинг янги ноанъанавий манбаларини ўрганиш, излаш, аниқлаш ва баҳолаш республика геология соҳасининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Бунда етакчилик “Уранкамёбметгеология” ДУКга тегишли бўлиб, у томонидан Чотқол-Қурама ва Марказий Қизилқум геологик-иктисодий регионларининг истиқболли худудларида РЕЕни излаш ва баҳолаш бўйича ихтисослаштирилган ишлар олиб борилди. 2020 йилда И.Б. Турамуратовнинг Ўзбекистон Республикаси худудининг камёб ер маъданлашувини башорат қилиш мезонларига бағишланган номзодлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинди. Ю.Б. Ежков ва бошқаларнинг илмий ишлари чоп этилди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда саноат миқёсидаги РЕЕ маъданларини аниқлаш учун реал имкониятлар мавжудлигидан далолат берувчи жуда кўп назарий ва фактик материаллар тўпланган.

**“Марказий Қизилқум жануби-шарқий қисмининг геологик тузилиши ва мезозой жинслари моддий-структуравий таркибининг хусусиятлари”** номли иккинчи боб худуднинг геологик, қидирув ва мавзувий ўрганилганлиги, геологик шаклланиш ва ривожланиш эволюцияси, стратиграфик ва литологик хусусиятлари, тектоникаси, магматизми ва фойдали қазилмаларига бағишланган.

Қулжуктов кўтарилмаси Марказий Қизилқумнинг геологик жиҳатдан нисбатан кам ўрганилган худудларидан бири ҳисобланади. Пойдеворнинг очик ва ёпиқ қисмларида турли йилларда 1:50 000 миқёсли аэромагнит, геологик ва геофизик тадқиқотлар, гамма-нурли тадқиқотлар, геологик хариталаш, мавзувий тадқиқотлар, 1:25 000 миқёсда аэрогамма-спектрометрия ва бошқа тадқиқотлар амалга оширилган. 1983 йилда ушбу худудда олиб борилган барча ишлар натижалари Я.В. Айсанов томонидан умумлаштирилган. Геохимёвий тадқиқотлар эса 1:50 000-1:25 000 миқёсдаги деярли барча тадқиқотлар билан комплекс равишда олиб борилган бўлиб, натижалар А.Д.Швецов ва В.А.Хорват (1987) ҳамда В.К. Кушнеренко (1991) томонидан умумлаштирилган.

Саноат конлари мавжудлиги туфайли Овминзатов (Ажибугут, Жантуар, Песчаное ва бошқалар), Белтов (Довгиз, Амантайтов, Сариботир ва б.) ва

Томдитов (Мурунтов, Мютенбой, Косманачи ва б.) тизмалари батафсил геологик тадқиқотлар билан тавсифланади.

Ўзбекистонда камёб ер элементларини аниқлашга қаратилган дастлабки тадқиқотлар XX асрнинг 50-60 йилларида ўтказилган. Шунда маъданлашувга истиқболли бўлган ҳудудлар чегараланган ва гранитоидларнинг потенциал маъдандорлиги башоратли баҳоланган. 1955 йилда В.М. Железнов ва бошқалар томонидан Тозбулоқ гранитоид массивининг ғарбий қисмида REE минераллашуви аниқлангач, 1967-1973 йилларда Зарафшон геология геофизика қидирув экспедицияси томонидан Қулжуктов тоғларида 1:50 000 миқёсда Давлат геологик тасвирлаш ишлари ўтказиш жараёнида иттрий, церий, торий, ниобий ва литийнинг юқори концентрациялари аниқланган. 70-80 йилларда Чотқол ва Нурота тоғларида алоҳида мавзувий, ревизион-баҳолаш ва геологик-тасвирлаш ишлари олиб борилди. 1980 йиллар ўрталаридан бошлаб, ҳозирги кунгача Ўзбекистоннинг қора сланец қатламларида REE мавжудлиги ўзбек геологларининг нашрларида қайд этиб келинмоқда. 1999-2001 йилларда МРИ ходимлари томонидан (Крикунова Л.М. раҳбарлигида) Марказий Қизилқумда бўр даври ётқизикларида темир рудаси минераллашувининг сочма ва туб намоёнлари бўлган ҳудудлар аниқланди. 2011 ва 2013 йилларда Ю.Б. Ежковнинг Ўзбекистоннинг REEни ўрганиш натижаларига бағишланган 2 та монографияси чоп этилди. 2012-2016 йилларда 1:1 500 000 миқёсда камёб металл маъданлашувининг янги турларини геологик ва иқтисодий баҳолаш орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудини металлоген районлаштириш амалга оширилди. 2020 йилда И.Б. Турамуратов томонидан ҳимоя қилинган диссертацияда, жаҳон ва Ўзбекистондаги геологик формацияларнинг REEга маъдандорлиги тўғрисидаги маълумотлар тизимлаштирилди. Шуларга қарамай Ўзбекистон ҳудудида, шу жумладан Қулжуктов, Овминзатов ва Белтов тизмаларидаги кўпгина полиген-полихрон тавсифга эга бўлган REE маъданлашувининг геологик ўрганилганлик ҳолати уни етарли даражада баҳолаш имконини бермайди.

Қулжуктов, Овминзатов ва Букантов тизмаларидаги қуйи бўр жинсларини батафсил ўрганиш шуни кўрсатдики, уларнинг қуйи горизонтлари палеозой жинсларининг қайта ётқизилган бўргача бўлган нураш пўсти маҳсулотидир. Бу уларнинг таркибида каолинли ва каолин таркибли гилларнинг горизонтлари ва линзалари, линзасимон майда дисперсли графит қатламлари, кумтошлар ва кумтошли гилли ётқизиклар линзаларининг мажудлигини кўрсатади. Палеозой жинсларининг бўргача нураш пустларининг сақланиб қолган таркиби қуйи бўр ётқизикларининг қуйи горизонтлари билан деярли бир хил. Бу эса қуйи бўр ётқизикларининг қуйи горизонтлари палеозой жинсларининг бўргача бўлган нураш пўсти маҳсулотларининг қайта ётқизилиш жараёнида ҳосил бўлганидан далолат беради.

Қуйи бўр ётқизиклари турли таркибларга эга бўлиб, уларда гиллар, кумтош-гилли жинслар, кумтошлар, гравелитлар кўп учрайди. Баъзи горизонтларда эса кўнғир темир конкрециялари, мурт графит линзалари учрайди. Қуйи горизонтларда эса каолинли гилларнинг горизонтлари ва линзасимон қатламлари мавжуд.

Қулжуктов ҳудуди Зарафшон-Олой металлоген зонасига тегишли бўлиб, унинг металлогеник ихтисоси латерал ривожланишида гетерогенлиги билан ажралиб турадиган олтин-вольфрам-қалай-сурма-симобли деб кўрилади. Ҳозирда Қулжуктов тоғларида маълум бўлган барча маъданли фойдали қазилмалардан фақат никель ва олтин саноат қийматига эга бўлиши мумкин. Номаъдан конлардан ушбу ҳудудда графит, гранит, мрамор, габбро, турли хил гиллар конлари мавжуд бўлиб, улар вақти-вақти билан кичик карьерлар ёрдамида кичик корхоналар томонидан қазиб олинмоқда.


Марказий Қизилқумнинг жанубий қисмидаги тизмаларнинг замонавий кўриниши уларни алп кўтарилмаси сифатида аниқлаш имконини беради. Улар ядрога томеозой бурмаланган фундамент жинсларидан, атрофида эса мезозой-кайнозой чўкинди қоплами жинсларидан ташкил топган. Фундаментда иккита структуравий қатлам ажралиб туради: қуйи – ордовик, силлур, девон ва қуйи карбон жинслардан ташкил топган, қалинлиги 6000 м гача бўлган узлуксиз кесмали каледон-юқори герцин ва юқори – асосан ўрта ва юқори карбон жинсларидан ташкил топган, қалинлиги 1000 м дан ортиқ бўлган кечки герцин яруслари жойлаган. Яруслар минтақавий номослик билан бўлинади. Қоплама мезозой-кайнозой (қуйи бўрдан неогенгача) жинсларидан иборат.

**“Қуйи бўр ётқизикларининг геохимёвий хусусиятлари ва уларнинг камёб ер элементларига бойлиги”** номли учинчи боб чўкинди хосилаларнинг геохимёвий ихтисослашуви, намоёнларнинг муайян геологик-структуравий ва литологик-фацциал вазиятлари, мезозой даврининг қўнғир темир маъданларини ўрганиш, шунингдек маъдан назорат қилувчи омиллар ва камёб ер элементларининг учраш шакллари бағишланган.

*Аяк-Гужумди майдонида* қумтошли линзалар ва қўнғир кварц қатламларга эга каолинли гранит дайка билан кесишган, графитлашган охактошлар ва тоза, мўрт, ингичка донадор графитнинг йирик туб очилмалари учрайди (1-расм).

Палеозойнинг графитлашган охактошлари нураш қобилининг қайта ётқизилган қатламларида REEнинг юқори миқдорлари кузатилади:  $\Sigma\text{REE}+\text{Y}$  789,9 дан 945,7 г/т гача, шу жумладан итрий миқдори 239 дан 449 г/т гача. Шундай қилиб, Шимолий участкасида камёб ер элементларининг юқори миқдорлари ингичка дисперсияли, қайта ётқизилган тоза графитларда ион-сорбция хусусиятлари ҳисобига учрайди (1-жадвал). Юқори концентрациялар аниқланган вазият майдонининг умумий майдони 2000 м<sup>2</sup>.

*Жануби-ғарбий Шурук майдонини* геохимёвий намуналаш маълумотларига кўра REEнинг юқори миқдорлари фақат каолинли ва каолин таркибли гилларда учрайди. Уларнинг кўринган қалинлиги туб очилмаларда 0,2 дан 2,5-3 см гача, узунлиги эса 5 дан 30 метргача етади (2-расм). 5 та намунада аниқланган камёб ер элементларининг умумий миқдори:  $\Sigma\text{REE}+\text{Y}$  444,2 г/т дан 701,3 г/т гача, шу жумладан Y миқдори 78,9 дан 150г/т гача ва Се миқдори 143 дан 312г/т гача (2-жадвал).




**1-расм. Палеозой жинсларининг қолдик нураш пўстлари ва уларининг қайта ётқизилган махсулотлари.** 1- палеозой гранитоидларининг каолинли нураш пўстлари; 2- палеозой охактошларининг гравелитли нураш пўстлари; 3- каолинли гилдаги кварц томирчаси; 4- қайта ётқизилган қуйи бўр ёшидаги кам темирлашган гиллар; 5- қайта ётқизилган, мўрт, ингичка дисперсияли графит; 6- каолинлашган гранит дайкалари

**1-жадвал.**

**Аяк-Гужумди майдонида камёб ер элементлари умумий миқдорини аниқлаш натижалари, г/т**

Нам-уна	Намуна тавсифи	La	Ce	Pr	Nd	Sm	Eu	Gd	Tb	Dy	Ho	Er	Tm	Yb	Lu	Y	ΣREE +Y
1	Мўрт кумтошли гилли жинслар	15,9	19,9	-	11,4	0,8	0,7	-	-	-	-	-	-	1	0,1	29,2	79
6	Мўрт кумтошли гилли жинслар	69,4	<b>134</b>	-	50,6	8,2	1,6	-	-	-	-	-	-	2,9	0,4	<b>53,3</b>	<b>320,5</b>
11	Графит массаси	7,8	16,6	-	3,9	3,4	0,2	-	-	-	-	-	-	0,9	0,1	22,8	55
17	Лимонит	24,1	<b>99,7</b>	4,8	20,2	3,9	2,3	7,1	0,5	6,7	0,4	5,9	0,3	5,1	0,1	<b>176</b>	<b>357,6</b>
22	Графит массаси	37,2	<b>85,4</b>	7,6	27,7	10,8	2,6	7,1	0,7	7,3	0,4	6	0,4	6,8	0,1	<b>215</b>	<b>415,5</b>
35	Графит таркибли гил	83,4	<b>99,8</b>		60,9	8,8	2,5							1,9	0,1	<b>59,5</b>	<b>316,9</b>
40	Графит массаси	40,6	<b>109</b>	10,1	28,8	12,8	3,1	6,4	0,8	6,7	0,4	4,3	0,4	4,2	0,1	<b>122</b>	<b>350,1</b>
42	Майда донатор кумтош, кора графит линзаси билан	19,4	91,5	6,7	13,3	14,9	1,5	13,5	1,7	15,3	0,5	3,3	0,7	4,4	0,8	112	299,8
46	Гилли кумтош	22,2	34,3	-	14,7	0,7	0,6	-	-	-	-	-	-	1,8	0,1	76,7	151,3
48	Гиллар	56,5	69,6	-	30,3	4,7	1,3	-	-	-	-	-	-	3,3	0,3	126	292,1
54	Кўнғир темир	18,7	82,1	-	23,8	9,4	0,5	23,7	2,9	20	0,5	1,5	1,4	5,4	1,7	43,2	244,4
339	Мўрт графит, майда донатор	146	<b>132</b>	19	94,6	11	3,7	10,1	2,5	36	6,5	13,7	1	20	1	<b>449</b>	<b>945,7</b>
340	Мўрт графит, майда донатор	160	<b>140</b>	22,9	117	22,8	6,6	17,3	3,9	39	5,1	8,1	0,4	7,8	0,2	<b>239</b>	<b>789,9</b>



**2-расм. 36-литологик қирқим парчаси (инт.0-36 м). Жанубий-ғарбий Шурук участкаси.** 1- тўртламчи ётқизиклар; 2- ингичка қатламли қўнғир гиллар; 3- гиллар (тўқ қўнғирдан қорагача); 4- Fe-Mn цемент асосидаги қумтошлар; 5- темирлашган гравелитлар; 6- намуна рақами.

**2-жадвал**

**Жануби-шарқий Шурук майдонида камёб ер элементлари юқори миқдорлари мавжуд интервалларнинг асосий хусусиятлари, г/т**

Намуна рақами	Қамровчи жинслар	Y	∑ REE	∑ REE+Y	Се
74	Графитли ингичка қатламли каолинли гиллар	150	565,3	701,3	293
333	Мовий-қўнғир рангли каолинли гиллар	120	511,4	631,4	209
332	Каолинли гил, ҳаворанг-қўнғир рангли	78,9	576,4	655,3	266
334	Каолинли гил, ҳаворанг-қўнғир рангли	85,4	357,1	442,5	143
527	Каолинли гил, ҳаворанг-қўнғир рангли	61,6	635,4	697	312

Ғарбий Шурук майдони шимолда Аяк-Гужумди майдонининг жанубий тугалланиши билан чегараланган. Унда қуйи бўр қирқими 1,5 км узунликда жанубдан шимолга қараб ётган, мовий, оқ рангли каолинли ва каолин таркибли гилларнинг линзаларига эга бўлган, сарғиш рангли темирлашган қумтош-гилли жинсларнинг монотон қатламидан иборат. Геохимёвий намуналаш натижасига кўра каолинли гиллардан олинган 6 та намунада REEнинг қуйидаги миқдорлари аниқланди: ∑REE+Y 326 г/т дан 457,2 г/т гача, шу жумладан Се миқдори 211г/т.

Шуни таъкидлаш керакки, истиқболга эга участка майдоннинг жанубий қисмида, 1 дан 5 м гача қалинликдаги йирик қатламли оқ гилларнинг туб очилмаси мавжуд жойда жойлашган.

Жаманяр майдонида олинган кўпгина намуналарда REEнинг миқдорлари кларк миқдоридан кичик кўрсаткичларга эга. Майдоннинг жануби-ғарбий қисмида қуйи бўр ётқизикларида кесимида кам миқдордаги REEга эга зич ва турли даражадаги темирлашган қумтошлар учрайди (3-расм). Майдоннинг марказий қисмида бўр горизонтлари асосан қўнғир темирли қумтошларнинг


сочмаларидан иборат каолинли гиллар учрайди. Улардан олинган намуналарда қуйидаги миқдорда камёб ер элементлари учрайди:  $\Sigma\text{REE}+\text{Y}$ -361,5 г/т ва 502,2 г/т, шу жумладан Y миқдори 44,7 дан 116 г/т гача ва Се миқдори 130 дан 152 г/т гача (3-жадвал).

3-жадвал

Камёб ер элементлари юқори миқдорлари мавжуд интервалларнинг асосий хусусиятлари (Жаманяр майдони), г/т

Намуна рақами	Қамровчи жинслар	Y	$\Sigma\text{REE}$	$\Sigma\text{REE}+\text{Y}$	Се
187	Интенсив темирлашган кумтош	116	386,2	502,2	152
193	Қўнғир темирли кумтош	44,7	316,8	361,5	130

Қинғиртов майдонида бир нечта участкалар ўрганилган. Дастлабгисида 2 қатламли қуйи бўр ётқизиқлари очилмалари мавжуд бўлиб, юқори горизонтлар 2-5 м қалинликдаги қатор кўтарилмалардан иборат. Улар бўш, кучсиз темирлашган кумтошлардан ташкил топган. Қуйи горизонт оқ каолинли гиллар ва тўқ қизил рангли интенсив темирлашган каолинли гиллар аралашмасидан иборат. Горизонтнинг қалинлиги 1,5-2 м ва узунлиги 23-25 м. Ушбу гилларда 2 та намунада қуйидаги миқдорларда камёб ер элементлари аниқланган:  $\Sigma\text{REE}+\text{Y}$ -320,4 г/т (Се-158 г/т) ва 417,2 г/т (Се-118 г/т).



3-расм. Жаманяр майдонида намуна олинган қуйи бўр ётқизиқларининг туб очилмалари. 1-тўртламчи қоплама; 2-кумтошли гиллар; 3-каолинли гиллар; 4-кумтошлар; 5-қўнғир темирли кумтошлар; 6 - темирлашув; 7 – намуна рақами.

Кулжуқтов тизмасининг ғарбий қисмида (Белтов майдони) спектрал ва оптик-эмиссион таҳлил натижасида қуйидаги элементларнинг юқори миқдорлари аниқланган: Cu-272 г/т, Li-122 г/т, Nb-21,2 г/т, Sc-16,0 г/т, Sr-847 г/т, V-147 г/т, Zn-102 г/т, Zr-138 г/т.


Л.М. Крикунова бошчилигидаги МРИ ходимлари 2000 йиллардан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг рангли, камёб ва қора металлларга истиқболлари ўрганилган ва қайта баҳоланган. Тадқиқотларда Орол бўйи ва Марказий Қизилқумнинг мезозой чўкинди қатламларида кенг тарқалган гётит-гидрогётит (қўнғир темир) типидagi темир маъдани намоёнларига диққат қаратилиб ҳосил бўлиш шароити ва морфологик хусусиятларига кўра 3 турга бўлинган (Крикунова ва б., 2003):

1. Қумтошли-гилли жинслардаги конкрецияли-ғуддали қўнғир темир маъданлари.

2. Гётит ва гидрогётитли цементдаги қумтош, гравелит ва конгомератларнинг қатламли ва линзасимон уюмлари.

3. Юқори бўрнинг темирлашган қумтош ётқизикларида овал шаклдаги линза кўринишида жойлашган кремнийли-темирли қувурсимон таналар.

Конкрецияли турдаги намоёнлар Овминза ва Шурук майдонларида кўплаб учрайди (4-расм). Овминза майдонида бўр ётқизикларининг деярли барча туб жинслари ўрганилиб, жадалликдаги 5 та темир маъданли участкалар аниқланган – Шарқий Ажибугут, Давон, Лов-Лов, Шонтибой ва Ғарбий Овминзатов. Кўрсаткичлар бўйича энг йириги Ғарбий Овминзатов ҳисобланади.




**4-расм. Ғарбий Овминзатов (а) ва Шурук (б) участкаларидаги мустақил қўнғир темир микроконкрециялари ва конкрецияли қўшимчаларнинг шакллари ва ички тузилиши (Ў.А. Хафизов, Л.М. Крикунова, А.К. Пятков материаллари бўйича). 1- тўртламчи ётқизиклар; 2- қумтошлар; 3- гиллар (ж-сарик, б-оқ, с-қўнғир, п-оч сарик); 4- қўнғир темир конкрециялари; 5- палеозой жинсларининг темир таркибли нураш пуслари.**

Ғарбий Овминзатовда кутилаётган темир оксидининг ўртача миқдори – 60% гача бўлган маъдан захираси 3 млн.т.ни ташкил этади. Тадқиқот натижасида узунлиги 750-2500 м гача, қалинлиги-1 м, ётиш бўйича чуқурликда тарқалиши 20 дан 40 м гача,  $Fe_2O_3$  нинг ўртача миқдори 24 дан 51% гача бўлган 4 та маъдан танаси аниқланган.

Барча участкаларда қўнғир темир маъданлари қирқимнинг қуйи қисмида, рангбаранг юпқа қатламли гилларда концентрик зонал ва қобиқсимон микроконкрециялар ва уларнинг тўпланиши аниқланган. Улар умумий маҳсулдор горизонтнинг 10 дан 25% гача қисмини эгаллаб, темир уч оксидининг

микдори 22 дан 65% гача етади. Шурук майдонининг турли участкаларидан олинган геокимёвий намуналарни масс-спектрометрик таҳлил қилиш натижасида темирли конкрециялар ва уларни қамровчи кумтошли гилларда бир қатор ишқорли (Li, Rb, Cs), ишқорли ер (Sr, Ba) элементларининг юқори микдорлари, шунингдек лантан гуруҳининг камёб ер элементлари (La, Ce, Nd, Sm, Gd, Dy, Yb) алоҳида намуналарда ўта юқори микдорларда аниқланган. Худди шундай кўрсаткичлар Букантов тоғининг мезозой даври қўнғир темир маъданларида ўтказилган тадқиқотлар натижасида ҳам аниқланган бўлиб, улар Марказий Қизилқумда ушбу муфассал тадқиқотларни ўтказишни тақозо этади.

Марказий Қизилқум мезозой қатламларида REEни аниқлашнинг маъдан назорат қилувчи асосий омил – стратиграфик омил ҳисобланади. Қулжуктов тизмасидаги олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бўр жинсларининг жанубий чегарасида камёб ер элементлари апт ва альб горизонтларида учрайди. Бу ерда камёб ер элементлари+иттрийнинг умумий микдори 350 дан 1 663 г/т гача етади. Бунда кўплаб юқори микдордаги REE учрайдиган намуналарда церийнинг микдори иттрийникидан анча юқорилигини кузатишимиз мумкин. Масалан Қинғиртов майдонидаги апт ёшидан қуйи жойлашган темирлашган каолинли гилларда церий микдори 460 г/т, иттрийники эса 220 г/т. (5-расм)




5-расм. Қулжуктов тизмаси бўр даври ётқизиқларининг стратиграфик устунда  $\Sigma$ REE, Y и Ce нинг тарқалиши. И.М.Абдуазимованинг стратиграфик устунидан фойдаланилган.

